

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

САФАРОВ Б.Ш.

**“ИҚТИСОДИЙ ТАХЛИЛ ВА АУДИТ”
фани бўйича
МАЪРУЗА МАТНИ**

САМАРҚАНД – 2012

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб боришни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2010 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир»¹.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инкирози дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатмоқда. Республикамизда инкироз оқибатларини бартараф қилиш учун барча хўжалик юритувчи субъектлар мустақил ва молиявий барқарор фаолият юритишлари керак.

Шу муносабат билан талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида келтирилган материаллар, қоидалар ва ҳулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндошишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлили хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхшилашда ва уларни самарадорлигини оширишда муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. У хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасини, фойдаланилмаган ишлаб чиқариш резервларини аниқлашда, хўжалик юритувчи субъектларни келгусида молиявий ҳолатини янада яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг аҳамияти бекиёс ошиб боради, чунки мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш зарурий шарт бўлиб қолади.

Аудиторлик ташкилотлари олдида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, хусусий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, бюджет билан солиқ ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоблашишларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан маслаҳатлар бериш ва бошқа малакали хизматлар кўрсатиш масаласини долзарб қилиб қўяди. Шуларни эътиборга олганда, аудиторлик ташкилот (аудитор) лар хизматига эҳтиёж ошмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотлари қуйидаги малакавий хизматларни кўрсатишлари Қонун² билан белгилаб берилган: бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш; молиявий ҳисоботни тузиш; бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот юритиш ва тузишни халқаро стандартларга ўтказиш; хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш. Шу маънода «Аудит» фанига бўлган аҳамият ошиб бормоқда.

¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2010 . -17 бет.

² Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. Т.: 2000, 17-модда.

МАЪРУЗА МАТНИ
I- МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА
ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

Режа:

- 1.1. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
- 1.2. Иқтисодий таҳлил-диалектиканинг муҳим хусусияти
- 1.3. Иқтисодий таҳлил-бошқарув тизимининг махсус функсияси
- 1.4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий принциплари (тамойиллари)
- 1.5. Иқтисодий таҳлилнинг резервларни аниқлашдаги аҳамияти

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фани кўп асрлик тарихга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби ва статистика каби фанлар асосида вужудга келган, бу учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган. Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик кувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилди. Бу эса бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларда ифодаланган баъзи кўрсаткичларга изоҳ беришни талаб қилди. Булар эса ўз навбатида ҳозирги таҳлил фанининг вужудга келиши учун объектив асос бўлган.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани мустақил фан сифатида шаклланишга қадар ўзига хос тарихга ва бир қанча номларга эга бўлди. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиш тарихи, бу бўйича нашр қилинган адабиётлар, унинг фан сифатида шаклланиши ва номининг ҳам такомиллашиб борганлигидан далолат беради. Шундай қилиб таҳлил фани вужудга келгунча бир қанча эволюцион йўлни босиб ўтди. Ниҳоят у фан сифатида шаклланди. Эндиги вазифа бу фанга тўғри ном танлашдан иборат эди. Бу борада анча ижодий тиртишувлар ҳам бўлди. Бир гуруҳ олимлар бу фаннинг номини «Иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар. Бунда ушбу фан корхонанинг бутун иқтисодини ўргатади, деб асосладилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса ушбу фаннинг номини «Социал-иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар. Шу туфайли ушбу фан иқтисодий жараёнларни ижтимоий (социал) жараёндан ажратиб бўлмайди, деб ўрганади.

Мустақил Республикамиз ўзининг мустақил фанларига ва ҳар бир фан ўзининг яратилиш тарихига эга бўлиши керак. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бошқа фанлар сингари Ўзбекистонда ҳам ўз тарихига эга. Бу фан собиқ иттифок таркибидаги бошқа Республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам унинг таркибида шаклланди.

Ҳозирги пайтда жуда кўр олимлар бу фаннинг номини «Хўжалик фаолияти таҳлили» деб атамоқда. Бунга биз ҳам қўшилган ҳолда шуни такидламоқчимизки, барча иқтисодий, ижтимоий, технологик жараёнлар хўжалик фаолияти давомида содир бўлади. Шу туфайли «Хўжалик фаолияти таҳлили» дейилса, бу корхонанинг барча соҳасини ўз ичига олади ва уни бемалол фаннинг номини аташда қўллаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, 1999 йилда ишлаб чиқилган таълим андозаларида «Хўжалик фаолияти таҳлили» фани ўрнига «Иқтисодий таҳлил» фани киритилган. Лекин мазмуни олдингидек қолган.

1.2. Иқтисодий таҳлил-диалектиканинг муҳим хусусияти

Иқтисодий таҳлил диалектикани ўрганишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Билиш назариясининг мантикийлиги диалектик тарзда қуйидаги формулада акс этади, яъни: жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни билиш ҳам уч босқичли билиш назариясига асосланади. Бунда жонли мушоҳада босқичида хўжалик юритишни бевосита иқтисодий ахборотлар тизими орқали идрок қилинади. Бу ўринда иқтисодий ахборотлар тизимига шундай талаблар қўйиладики,

булар билиш назариясининг иккинчи босқичи - абстракт тафаккурга кўп жиҳатдан боғлиқ.. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда барча жараёнларни тафаккур кучи бажаради.

Иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида диалектик билиш усули- анализ ва синтез усулларида фойдаланилади. Анализ грекча « analyse » сўзидан келиб чиққан бўлиб, бир бутунни бўлақларга бўлиб ўрганиш, деган маънони билдиради. «Синтез» - грекча « synthésis » сўзидан олиниб умумлаштириш, деган маънони билдиради.

1.3. Иқтисодий таҳлил-бошқарув тизимининг махсус функцияси

Халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш потенциалидан (салоҳиятидан, имкониятидан) оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқариш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу муҳим вазифаларни бажариш учун корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш даркор. Иқтисодий таҳлил корхоналарни бошқариш тизимида оралиқ босқични эгаллайди. Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида уч босқични кўрсатиш мумкин: ахборотларни тўпшлаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш;. объектнинг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида таклифлар киритиш;. оптимал бошқарув қарорларини қабул этиш. Қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкор тарзда ўтказилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ерда асосий вазифа айнан шу уч босқични бир-бири билан узвий равишда боғлаш ҳисобланади.

Ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий восита бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари кундалик ҳисоб ва ҳисоботда ўз аксини торади. Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисодий тежамни ўқатишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишга, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим восита сифатида қўлланилади.

1.4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий принциплари (тамойиллари)

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган қуйидаги тамойиллар мавжуд:

1.Объектнинг ҳолатини дастлабки иқтисодий назария жиҳатидан таҳлил қилишнинг зарурлиги, ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бир-бирига ўзаро боғлиқлиги.

2.Таҳлилнинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ таҳлилий кўрсаткичлар тизимининг қўлланиши.

3.Иқтисодий маълумотларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор ва сифат белгиларига қараб туркумлаш.

4.Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти.

5.Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани корхоналарни бошқаришга яна ҳам кенг жалб этиш.

6.Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли, уларнинг иқтисодий таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Юқорида қайд этилган тамойиллар иқтисодий таҳлилнинг шаклланишига ва унинг ривожланиш жараёнига асос бўлди.

1.5. Иқтисодий таҳлилнинг резервларни аниқлашдаги аҳамияти

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад резервларни аниқлашдир. Резервларни аниқлашни осонлаштириш учун уларни илмий асосда туркумлаш керак. Резервлар қуйидагилардан иборат: халқ хўжалиги, тармоқ, регионал (ёндош) ва ички хўжалик резервлари. Ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни хўжалик айланмасига йўналтиришда корхоналар катта имкониятларга эга. Бу эса асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш ресурслари, (меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари) омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ.

Назорат учун саволлар ва торшириқлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг дастлабки бошланғич даври.
2. Ўзбекистонда иқтисодий таҳлилнинг ҳолати.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарияси, услуби ва усулларининг такомилланиши.
4. Иқтисодий таҳлил ва билиш назарияси.
5. Билиш назарияси фалсафасининг (улкан) услубий бўлими.
6. Билиш назарияси барча фанларни ўрганишда услубий асос эканлиги.
7. Билиш объекти ва субъекти ҳамда уларнинг диалектик бирлиги.
8. Обьектив (мавжуд) дунёни билиш жараёнининг босқичлари - жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт.
9. Иқтисодий таҳлил ва диалектиканинг асосий тамойиллари.
10. Иқтисодий таҳлил - амалий фан.
12. Умумназарий жиҳатдан анализ, синтез, дедукция, индукция тушунчаларининг моҳияти.
13. Иқтисодий таҳлил ва иқтисодий назария.
14. Иқтисодий таҳлилнинг тамойиллари.

II -МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Режа:

- 2.1. Иқтисодий таҳлилнинг предмети
- 2.2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари
- 2.3. Иқтисодий таҳлил мазмуни

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг предмети

Фаннинг предмети, деганда шу фанда нима ўргатилиши тушунилади. Ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметиға эга. Иқтисодий таҳлил фанининг предметиға кенг маънода қарайдиган бўлсак, у иқтисодий фан сифатида таҳлил қилинаётган объект (корхона, бирлашма, компания, акциядорлик жамияти, концерн, корпорация кабилар) хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, техник, технологии ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

Таҳлил фани хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади. Аммо бу жараёнларнинг содир бўлиш пайтини эмас, балки унинг натижасини ўрганади. Объектда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар унинг бизнес режасида кўзда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир бўлишини қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириш билан бухгалтерия ҳисоби, статистика каби фанлар шуғулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда (ой, чорак, йил) жамланиб борилади ва турли ҳисоботларда ўз аксини топади. Таҳлил эса айнан ана шу тузилган ҳисоботларга, жамланган ҳужжатларга асосланади.

Шундай қилиб, **иқтисодий таҳлил фанининг предмети, хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқишни ўрганишдан иборатдир.**

Жуда кўр иқтисодий фанлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида таҳлил фани хўжалик фаолиятининг натижасига одилона баҳо бера оладн. Ундаги ижобий ва салбий ўзгаришларга омиллар таъсирини аниқлайди. Шуларга асосан хўжалик фаолиятини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқади. Бу хусусиятлар фақат таҳлилга хос бўлганлиги учун ҳам унинг предметида натижага тўғри баҳо бериш ва яхшилаш йўллари ишлаб чиқиш тегишли ўринга эга.

Ҳар қандай фаннинг объекти бўлиши лозим. Фаннинг объекти унинг предмети каерларда амалга ошишини кўрсатади. Таҳлил фанининг предмети ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда кўп мулкчиликка асосланган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида мужассам. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фанининг объектига давлат, жамоат ташкилотлари, корпорациялар, трестлар, биржалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.

2.2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) бизнес-режанинг қанчалик реаллиги (мавжудлиги) ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш;
- 2) халқ-хўжалигини ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш;
- 3) бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш;
- 4) ички хўжалик резервларини аниқлаш (бу ўринда таҳлилнинг самараси, биринчидан, аниқланган резервларни бутун назарий жиҳатдан асосланган резервларга нисбати ва иккинчидан, амалга оширилган резервларнинг аниқланган резервларга нисбати билан белгиланади);
- 5) корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш;
- 6) таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

2.3. Иқтисодий таҳлил мазмуни

Иқтисодий таҳлил ўз мазмуни жиҳатидан турличадир. Таҳлилнинг икки хил йўналиши мавжуд: молия - иқтисодий ва техник - иқтисодий. Молия иқтисодий таҳлилда бизнес-режанинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи (техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш) каби омиллар ўрганилмайди. Техник-иқтисодий таҳлилда эса техника ва технология ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид ҳамма масалалар ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсири ҳам аниқланади.

Таҳлил корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олган умумий ҳамда ишнинг қандайдир бирор томони ёки корхонанинг бир неча бўғинларини ўз ичига олган танланма (тематик) бўлади. Шунингдек, йирик масалаларга бағишланган, корхонанинг кундалик ишини ўрганишга ва ички имкониятларини топишга қаратилган тезкор таҳлил бўлади.

Қабул қилинадиган қарорларнинг характериға қараб, таҳлил қуйидагиларга бўлинади: дастлабки, тезкор, якуний ва истиқболли. Таҳлил ўтказиш муддатлари (ҳар

куни, бир ойда ва бир йилда) ёки зарур бўлишига қараб ахён-ахёнда олиб борилиши мумкин.

Иқтисодий таҳлил ўтказишнинг 3 босқичи мавжуд:

1)корхона фаолиятининг умумий иқтисодий натижаларини кўриб чиқишдан бошланади, чунки у ишнинг самарадорлигини аниқлаш, ўтган даврларга нисбатан ўзгаришларни, корхона фаолиятининг бошқа томонларини билиш имконини беради;

2)бизнес-режанинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи энг муҳим омилларни текшириш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлаш;

3)таҳлилий текширишлар натижаларини умумлаштириш ва шу асосда бутун резервларни ўз ичига олган йиғма резервларни ҳисоблаш. (тўплам резервлар).

Назорат учун саволлар ва торшириқлар

1.Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг тавсифи.

2.Иқтисодий таҳлил қилишда 2 тур йўналишда - бошқарув (ички) ва молиявий(ташқи) таҳлилнинг вазифалари.

3.Ўрганиладиган масалаларнинг кўламига қараб таҳлилнинг умумий ва танлама(тематик) турлари.

4.Резервларни аниқлаш кўламига қараб корхона ичидаги, корхоналараро, тармоқ ва тармоқлараро таҳлилнинг тавсифи.

5.Қабул қилинадиган қарорларнинг хусусиятларига қараб дастлабки, тезкор, яқуний ва истиқболли таҳлилни ўтказиш.

6.Таҳлил ўтказиш муддатлар бўйича: ҳар куни, ўн кунда, бир ойда, уч ойда, бир йилда олиб бориш.

7.Иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқариш тизимида тутган ўрни ва вазифалари.

8.Иқтисодий таҳлилнинг предмети.

9.Иқтисодий таҳлилнинг предметиға таъриф бериш хусусида мавжуд мунозарали масалалар.

10.Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

11.Фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг тутган ўрни.

III-МАВЗУ.ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МЕТОДИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

Режа:

3.1. Иқтисодий таҳлилнинг методи

3.2. Иқтисодий таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари

3.3. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари

3.1. Иқтисодий таҳлилнинг методи

Иқтисодий таҳлилнинг услубий асослари диалектика ва иқтисодий назария фанига таянади. Таҳлил усули деганда эса, бизнес-режанинг бажарилишига ва маҳсулот ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни системали ва комплекс тарзда ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш усули бўлиб, улар ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотларни махсус услублар орқали қайта ишланилиб, амалга оширилиши тушунилади.

Маълумки, таҳлил қилинаётган объектнинг фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилда омиллар деганда у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар назарда тутилади. «Сабаб» термини нисбатан кенг кўламдаги комплекс омиллар

тизимига нисбатан қўлланилиб, ана бу комплексни ташкил этувчилар эса омиллар, деб аталади.

Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар ҳаракатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш **р е з е р в л а р** деб аталади.

Дедуктив усул асосан молия – иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Бунда аввало хўжалик фаолиятини белгиловчи умумий кўрсаткичлар ўрганилиб, сўнгра улар бўлақларга бўлинади. Кўрсаткичларни бўлақларга бўлиш аслини олганда таҳлил демакдир.

Индуктив усул кўринча техник-иқтисодий таҳлилда қўлланилади, яъни аввал, айрим олинган иш участкаларидаги кўрсаткичлар ҳар томонлама текширилиб, сўнгра ана шу аниқ кўрсаткичлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини белгиловчи умумлашган иқтисодий кўрсаткичлар даражасига чиқилади.

3.2. Иқтисодий таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таҳлил усулининг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва барча омилларни текширишни мунтазам ва комплекс тарзда ўтказишга ёндошиш, таҳлил усулининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда мунтазам таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни иерархик усул (бўйсунуш тартиби) орқали бошқариш, масалан, цех корхонанинг, корхона бирлашманинг, бирлашма тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо сифатида ўрганиш системали таҳлилга мисол бўлади. Комплекс таҳлилда барча кўрсаткичлар ўрганилади.

2) Таҳлил усулининг ўзига хос характерли хусусиятларидан бири - иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳартомонлама бир-бирлари билан сабабий боғланишида эканлигидир. Бу борада таҳлилнинг вазифаси ана шу сабабларни аниқлашдир. Шуни таъкидлаш керакки, ҳатто айрим олинган иқтисодий кўрсаткичга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бинобарин, бу сабаблар ҳаракатини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир. Шу сабабли асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омиллар таъсирини аниқлаш керак. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шарти хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларига қараб тўғри туркумлаш зарур. Масалан, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга умумлаштирилади:

1) Меҳнат омиллари. Бунга корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги киради.

2) Меҳнат воситалари омилига эса корхонанинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, структураси (тузилиши), ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси сингари масалалар киради.

3) Меҳнат предметлари омиллари. Буларга корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги, улардан фойдаланиш, самарадорлик даражаси каби масалалар киради. Юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир.

3.3. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари

Таҳлилнинг усули унга бўйсинувчи махсус усуллар орқали ифодаланилади. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда турли махсус усуллар қўлланилади. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

а) таққослаш усули - корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усулидир, зеро «барча нарса таққослашда аниқланади».

б) гуруҳлаштириш. У ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий текширишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Гуруҳлаштириш, айниқса, амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан, юқорида таъкидланганидек товар маҳсулоти ишлаб

чиқаришга таъсир қилувчи омилларни гуруҳлаштириш (меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омиллари) мисол бўлади.

в) етакчи халқани ажратиб қўйиш усули. Корхона фаолияти таҳлил қилинаётган вақтда ниҳоятда кўп далил ва ҳодисалар учрайдики, уларни тўла таҳлил қилиш имкони йўқлиги учун бу усулдан фойдаланилади. Бу усул у ёки бу ҳодисаларнинг сабабини аниқлашдан ташқари техникани ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради;

г) мутлақ ва нисбий миқдорлар. Мутлақ миқдорлар орқали иқтисодий кўрсаткичларнинг умумий ҳажми аниқланади. Нисбий кўрсаткичлар эса бизнес-режанинг бажариш даражасини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатини белгилайди.

д) динамика методи. Муҳим ҳодисалар, жараёнларнинг ҳар бирини ривожланишида, деб қараш кераклигини кўрсатади. Демак, бу таҳлил қилиш жараёнида корхона фаолияти ривожланаётганда, деб қаралади ва бу билан унинг ишидаги айрим ўзгаришлари очилади;

е) индекслар. Улар ёрдамида маълумотларни қатор йиллар бўйича таққослаш мумкин. Бу ўринда базали ва занжирсимон индекслардан фойдаланилади.

ж) бартараф этиш (элиминирование) усули. Хўжалик фаолиятига юқорида айтиб ўтилгандек жуда кўп омиллар таъсир қилади: асосий, қўшимча, ташқи ва ҳоказо. Бу усул ёрдамида ушбу омилларни бир-биридан ажратиб, алоҳида таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу усул турли усуллар билан амалга оширилади, жумладан, занжирли боғланиш усули билан ҳам.

з) занжирли боғланиш усули. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган ўтган йил доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичларини айнан шу кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. У ёки бу омилнинг таъсири кетма-кет айириш йўли билан аниқланади: иккинчи ҳисобдан биринчи ҳисоб айрилади, учинчи ҳисобдан иккинчи ҳисоб айрилади ва ҳоказо. Биринчи ҳисобда ҳамма кўрсаткичлар ўтган йил доирасида олинади, сўнгги ҳисобда эса - ҳақиқатдаги бажарилиши.

к) мутлоқ фарқ усули. Бу усулни қўллаш моҳияти қуйидагича: миқдор омилида бўлган фарқни сифат омилини ўтган йилдаги даражасига кўпайтирилади, сифат омилида бўлган фарқни эса миқдор омилини ҳақиқатдаги даражасига кўпайтирилади.

л) Таҳлилда кўп қўлланиладиган усул - кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бўйича фарқни аниқлаш усулидир. Бу усул занжирли алмаштириш усулининг бир туридир.

м) баланс усули - Бу усул хом ашё (материал) нинг келиши ва ундан фойдаланиш йўналиши ўртасидаги нисбатни аниқлашга, шунингдек, иш вақти, ускуналарнинг ишлаши ва бошқалардан фойдаланишни ўрганиш учун хизмат қилади.

Назорат усун саволлар ва торшириқлар

1. Иқтисодий таҳлил фанининг усули тўғрисида умумий тушунча.
2. хўжалик ҳодисаларининг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиши;
3. хўжалик фаолияти қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашининг натижаси;
4. таҳлил қилинаётган объектларнинг хўжалик фаолиятини ўрганишда « analyse » ва « synthisie » ўртасидаги нисбат;
5. корхоналарнинг хўжалик фаолиятини билиш жараёнида «индукция» ва «дедукция» усуллари қўллаш;
6. таҳлилий жараёнларни ўрганишда билиш назариясини 3 босқичини (жонли мушоҳада, илмий абстракция ва амалиёт) қўллаш.
7. Иқтисодий таҳлилнинг усулига таъриф.
8. Иқтисодий таҳлил усулининг ўзига хос хусусиятлари.
9. Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тушунчаси ва уларни туркумлаш.

10.Иқтисодий кўрсаткичлар тушунчаси. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва омилларнинг бир-бирига боғлиқлиги.

11.Таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларни туркумлаш.

12.Таҳлил босқичлари ва унинг методик усулларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги.

13.Таққослаш усули - корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда энг асосий усулдир.

14.Таққослаш усулининг моҳияти ва унинг хиллари.

15.Гуруҳлаштириш усули - ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий текши-ришнинг ажралмас қисми эканлиги.

16.Пировард (натижавий) кўрсаткичнинг ҳисоб формуласига кирувчи омилларга боғлиқлиги. Умумлашган кўрсаткичга таъсир қилувчи миқдор (экстенсив) ва сифат (интенсив) омиллар ҳамда уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги.

17.Балансли боғланиш усулини қўллаш шартлари ва унга таъриф.

18.Етакчи бўғинни ажратиб қўйиш усули.

19.Мутлақ ва нисбий миқдорлар.

20.Динамика усули ва уни таҳлилда қўллаш тартиби.

21.Индекслар, коэффициентлар, фоизларни қўллаш тартиби.

22.Бартараф этиш (элиминирование) усули.

23.Занжирли алмаштириш усули. Унинг моҳияти ва қўллаш тартиби.

24.Кўрсаткичларнинг бажарилиш фоизи ва ўсиш суръати (нисбий) даражасидаги фарқ усули - занжирли алмаштириш усулининг бир тури эканлиги.

IV-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУРЛАРИ, АХБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

4.1. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш турларини туркумлаш ва уларнинг бошқарув функциялари

4.2. Иқтисодий таҳлил турлари

4.3. Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбаълари.

4.4. Таҳлилий ҳисоблар ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш

4.5. Иқтисодий таҳлил босқичлари

4.6. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш

4.7. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тайёрлаш

4.8. Корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда қатнашадиган субъектлар

4.1. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш турларини туркумлаш ва уларнинг бошқарув функциялари

Таҳлил турларини туркумлаш - уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтиришга, энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фаннинг истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлил турларини гуруҳлаштириш белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилувчи субъект, ўрганиладиган ходисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлаш усуллари кабилар. Барча турдаги таҳлилнинг турлари уларнинг бажарган вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлигини баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган

натижаларни олдиндан айтиб бериш ва эришилган натижаларга объектив баҳо бериш ва шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий вариантларни тайёрлаш.

4.2. Иқтисодий таҳлил турлари

Хўжалик фаолиятининг жорий (ретроспектив) таҳлили. Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлил ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган. Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, кварталлик, йиллик ва қатор йиллар таҳлил қилинади. Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган пировард натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими системали ва комплекс характерга эга бўлиб, расмий жиҳатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади. Жорий таҳлилнинг камчилиги шундан иборатки, таҳлил хўжалик фаолиятида камчилик ва хато рўй бериб бўлгандан сўнг бошланади. ,

Тезкор таҳлил корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тезкор тарзда бошқаришда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкорлик билан аниқлаб, уни бартараф қилиш чора - тадбирларини кўради. Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунда аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади.. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ у асосан бошланғич маълумотларга асосланади.

Истиқбол таҳлили, деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тузиш учун ўз фаолиятини нима билан якунлаши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истиқбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, ҳам деб атамоқдалар.

Молия-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Молия-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбалари. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларида қўлланилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, молия-иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши ҳисобланади. Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молия-иқтисодий таҳлилнинг ўтказиш муддатлари кунлик, ҳафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, йиллик бўлади. Молия-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлилдан иборат.

Техник-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган. Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади: а) ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш; б) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш; в) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Таққослама (корхоналараро) таҳлил. Таққослаш - бу иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Таққослама таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: ички корхона таҳлили, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади; корхоналараро, қачонки бир қатор корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, тармоқдаги илғор тажриба ўрганилади. Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан айтганда комплекс характерга эга бўлади. Мазкур таҳлилнинг энг муҳим услубий масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир.

Функционал - қиймат таҳлили. Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтириш маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ФҚТ асқатади. ФҚТ - объектни (маҳсулот) технологик ва меҳнат жараёнлари тизимли тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқади.

ФҚТ нинг асосий мақсади-илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари чоғида янги хил маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва уларни ўзлаштиришда ортиқча харажатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик; ишлаб чиқариш босқичида лойиҳа бўйича кўзда тутилган харажатлар даражасидан четга чиқмасликни; буюмни қўллаш босқичида оқланмаган эксклузатацион харажат ва йўқотишларни бартараф қилиш ва ниҳоят, буюмларни утилизация (чиқитга) чиқариш босқичида чиқитга чиқарилган буюмларни қайта ишлаб, улардан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олади.

4.3. Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбаълари.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбаълари қуйидагилар: бизнес - режа маълумотлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистик ҳисоб ва ҳисобот, оператив (тезкор) ҳисоб ва ҳисобот, ҳисобдан ташқари маълумотлар. Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз маълумотларни иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобидан олади.

Таҳлил қилиш жараёнида ҳисобдан ташқари маълумотлардан ҳам фойдаланиш катта самара беради. Иқтисодий таҳлил қилишнинг самараси авваламбор, ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ. .

4.4. Таҳлилий ҳисоблар ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш

Ҳисобот маълумотларини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш усулларида бири таҳлилий жадвалларни тузиш ҳисобланади. Жадвалга таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг база ва амалдаги даражаси киритилади, мутлақ фарқ аниқланади, кўрсаткичларнинг ўсиш суръати аниқланади ҳамда тегишли хулоса ёзилади. Таҳлилий жадвалларнинг устунлиги ва афзаллиги шундан иборатки, у ҳам бўлса, кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши жуда ҳам аниқ ва кўргазмали тарзда намоён бўлади.

Таҳлилнинг сўнгги босқичи унинг натижаларини расмийлаштириш ҳисобланади. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда маълумотнома ёки изоҳнома ёзилади. Изоҳномада корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида қўлга киритилган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу ўринда айниқса, аниқланган ички хўжалик резервларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш йўллари кўрсатилади.

4.5. Иқтисодий таҳлил босқичлари

Таҳлилий жараёни муваффақиятли ўтказишнинг гарови уни ҳар томонлама пухта ташкил қилишдир. Таҳлилий жараён қуйидаги босқичлардан иборат: а)таҳлил дастурини тузиш; б)таҳлил учун маълумотларни ва уларни текшириш; кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш; в)кўрсаткичларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш ва таққослаш.; г).таҳлил

натижаларини умумлаштириш ва корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятида содир бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда аниқланган ички хўжалик резервларидан фойдаланиш.

Дастурсиз бажариладиган таҳлил, ёхуд ўрганиладиган масалалар кўламини аниқ белгиламаслик ўз навбатида таҳлил натижаларига путур етказди. Шунинг учун таҳлилий ишларни ташкил қилиш борасидаги энг масулиятли вазифа - иқтисодий таҳлил дастурини тузиш ҳисобланади.

4.6. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш

Таҳлил дастурининг ҳажми ва мазмуни ундан кўзланган мақсадга боғлиқ. Масалан, таҳлил комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Бунда корхона ва ташкилотлар фаолиятини ҳамма томонлари чуқур ўрганилади. Ёки ишнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олган тематик (танланма) таҳлил бўлади. Комплекс таҳлил ўтказилганда ойлик, кварталлик ва йиллик ҳисобот материаллари асосида таҳлилий баёнот ёзишда қўлланиладиган жадваллар макети юқори ташкилот томонидан тасдиқланиши керак. Агар танланма таҳлил ўтказилса, у ҳолда дастурда унинг мавзуи, ҳажми қандай манбаларга ва маълумотларга асосланиши, таҳлилни бажарувчи шахс, ишнинг бажарилиш муддати кўрсатилиши керак.

4.7. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тайёрлаш

Жорий ҳисобда берилмайдиган маълумотларни аниқлаш катта аҳамиятга молик. Масалан, ишчиларнинг бекор туриб қолиш сабабларини аниқлаш учун бевосита кузатув олиб бориш керак. Бунда иш кунини фотография қилиш орқали ёки ушбу участкада банд бўлган ишчилар, муҳандислар ва бошқа ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш орқали юқорида айтилган камчиликларнинг сабаблари аниқланади. У ёки бу ахборотлар манбаидан фойдаланиш таҳлил дастурини тузишда ҳисобга олиниши керак. Маълумотларнинг тўғрилигини ва аниқлигини текширишдан сўнг уларни қайта ишлашга ўтилади.

4.8. Корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда қатнашадиган субъектлар

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти авваламбор, ушбу корхонанинг ходимлари томонидан таҳлил қилинади. Корхоналарнинг хўжалик ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш асосан режа-иқтисод, бухгалтерия ва молия бўлимларининг вазифасидир. Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналар ҳисоботини тасдиқлайдилар, ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини объектив (холисона) баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар. Иқтисодий таҳлил қилиш билан молия ва солиқ идоралари, банк ходимлари ҳам шуғулланадилар. Ҳозирги кунда хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлили масалалари билан бевосита аудиторлик компаниялари ҳам шуғулланмоқда. Статистика идоралари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Улар қабул қилинган ҳисобот ва статистик маълумотларни статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар ва бошқармаларни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайдилар.

Назорат учун саволлар ва торшириқлар

- 1.Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш.
- 2.Жорий (ретроспектив), тезкор ва истикболли таҳлилни ташкил этиш усулининг ўзига хос хусусиятлари.
- 3.Жорий таҳлилни ташкил этиш ва унинг услуги.
- 4.Тезкор таҳлилни ташкил этиш ва унинг услуги.
- 5.Истикболли таҳлилни ташкил этиш ва унинг услуги.

6. Корхона фаолиятининг таҳлили, тармоқлар таҳлилини ташкил этиш ва унинг услуги.
7. Хўжаликларaro таққослама таҳлилни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
8. Функционал қиймат таҳлилини ташкил этиш ва унинг услуги.
9. Иқтисодий манбалар тизими таҳлилнинг маълумотлар базаси сифатида.
10. Иқтисодий таҳлилнинг асосий манбалари.
11. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар манбаларининг тўғрилигини текшириш усуллари.
12. Таҳлилий жадвалларга маълумотлар тайёрлаш.
13. Иқтисодий маълумотларни компьютерда ишлов беришни ташкил этиш асослари.
14. Ҳисоботларни тузишда қандай қоидаларга амал қилинади ?
15. Молиявий ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши нима ?
16. Ҳисобот маълумотларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш нима ?
17. Иқтисодий таҳлилнинг сўнги босқича қандай расмийлаштирилади ?
18. Таҳлилий ишларни ташкил этишни бошқарув апаратининг таркиби ва бошқарув тизимининг техникавий жиҳатдан жиҳозланганлигига боғлиқлиги.
19. Таҳлилий ишларнинг асосий босқичлари ва уларнинг мантиқий кетма-кетлиги.
20. Иқтисодий таҳлил дастурини тузиш.
21. Иқтисодий таҳлил учун материаллар тўплаш ва уларни қайта ишлаш.
22. Комплекс таҳлил дастури қандай тузилади?
23. Танланма таҳлил дастури қандай тузилади?
24. Молия-кредит тизими бўйича тузилган иқтисодий таҳлил дастурининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
25. Иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда ким шуғулланади?
26. Иқтисодий таҳлилда қатнашадиган субъектлар.
27. Иқтисодий таҳлил натижаларини умумлаштириш.

5-МАВЗУ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

- 5.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари.
- 5.2. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.
- 5.3. Асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.
- 5.4. Корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.
- 5.5. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш усуллари.
- 5.6. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш усули.

5.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари

Корхоналарнинг **маҳсулот** **сотишини** ифодаловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- корхонанинг ялпи маҳсулоти - бу товар маҳсулоти қўшув тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ҳамда корхонанинг ўзида тайёрланган ярим-фабрикатлар ва асбоблардан иборатдир;
- товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ҳам ўтган ва оморга торширилган маҳсулот тушунилади;

- сотилган маҳсулот деганда, товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб, унинг ҳақи мол юбуровчиларнинг банкдаги ҳисоб-китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгина омиллар таъсир этади. Буларга маҳсулот сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш, маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш, унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиғи кабилар киради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодаловчи кўрсаткичлар - соф маҳсулот, меъёрий соф маҳсулотларни таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Соф маҳсулот товар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизатсияси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Меъёрий соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, ижтимоий суғурта учун ажратмалар ва меъёрий фойдани жамлаш орқали аниқланади. Шартли соф маҳсулот бу соф маҳсулот қўшув асосий фондларнинг амортизациясидир.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига баҳо берувчи муҳим мезон - сотиш режасининг шартнома мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши бўлиб қолди. Мазкур кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиш даражаси 100 фоиздан ошмайди, энг макбули 100 фоиздир.

Шартнома мажбурияти бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш учун бизнес-режа ҳажмидаги сотиш суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотлар суммаси чиқарилиб, сўнг сотиш ҳажмининг бизнес-режа даражасига бўлинади.

Тузилган шартнома мажбуриятига асосан истеъмолчиларни зарур товарлар хилма-хиллиги билан таъминлаш сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини нафақат қиймат ифодасида, балки белгиланган ассортиментни бўйича бажарилиши зарур. Чунки маҳсулотлар турлича истеъмол хусусиятига эгадирлар, шу сабабли айрим маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келган танқисликни бошқа бир маҳсулотларни кўп ишлаб чиқариш билан тўлдириб бўлмайди. Корхона фаолиятига тўғри баҳо беришда маҳсулотнинг хилма-хиллиги бўйича бизнес-режанинг бажарилишини аниқлашда энг кам сон миқдорини ҳисобга олиш усули қўлланилади.

Ушбу усулнинг мазмуни ва моҳияти қуйидагича: товарлар хилма-хиллиги бўйича бизнес-режанинг бажарилиш даражасини аниқлаш учун аввало бизнес-режа чегараси ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот суммасини аниқлаш керак. Бунинг учун режадан ортиқча ёки бизнес-режада кўрсатилмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш хилма-хиллиги бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилишини аниқлашда ҳисобга кирмайди.

Маҳсулот сифати деганда, унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Халқ хўжалиги тармоқларида маҳсулот сифатини баҳолашда турли кўрсаткичлар қўлланилади. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда сифатсиз маҳсулот учун истеъмолчиларга тўланадиган жарималар, маҳсулотни кафолатли таъмирловчи устахоналарга сарфланадиган харажатлар каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Шундай қилиб, маҳсулот сифатини таҳлил қилиш усуллари таҳлил қилинаётган корхонанинг қайси тармоққа мансуб эканлигига боғлиқ экан.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича дастурнинг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш деганда, уни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган хилма-хиллиги ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминлаш тушунилади. Бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлашган кўрсаткичи бир меъёردа ишлаш **коэффициенти ҳисобланади, у жадвал бўйича** маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилган кунларни умумий иш кунига бўлиш билан аниқланади, одатда ой ҳисобида.

5.2. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари

Корхоналарнинг иш кучи билан таъминланишни таҳлил қилишда ишловчи барча ходимларнинг таркиби аниқланади. Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлиги. Улар икки туркумга бўлинади: асосий фаолиятда ишловчи ва асосий бўлмаган фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар. Ўз навбатда асосий фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: ишчилар, хизматчилар, шу жумладан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар. Ушбу қайд этилган ходимлар маҳсулот ишлаб чиқаришда бирдай қатнашмайдилар. Агар раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар сони бўйича фақат мутлақ фарқ аниқланса, ишчилар сони бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда нисбий фарқ ҳам аниқланади. Нисбий камлик эса меҳнат унумдорлиги ўсганлигидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги (соат, смена, ой, квартал, йил) ичида ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчанади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад миқдори билан ўлчанади. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси товар маҳсулотининг ҳажмини ишловчиларнинг сонига нисбати билан аниқланади. Таҳлил жараёнини чуқурлаштириш учун бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик, кунлик ва соатлик иш унумдорлиги ҳам ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар товар маҳсулоти ҳажмини мутаносиб тарзда ишчиларнинг рўйхатдаги сонига, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига ва киши-соатларига нисбати тариқасида аниқланади.

5.3. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари

Корхоналар асосий фондларининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган роли бир хил эмас. Улар 2 қисмга бўлинади: - актив (фаол) асосий фондлар; - пассив (нофаол) асосий фондлар. Корхоналарнинг асосий фондлари билан таъминланганлигини таҳлил қилишда ларнинг актив ва пассив қисмининг салмоғи, ўтган йилларга нисбатан мутлоқ фарқ ҳамда ўсиш суръати аниқланади.

Асосий фондларнинг техник ҳолати қониқарсиз даражада бўлса, бу ўз навбатида асбоб-Асосий фондларнинг техник ҳолатини белгиловчи умумий кўрсаткичлардан бири - уларнинг эскириш коэффицентидир. Буни аниқлаш учун асосий фондларнинг эскириш суммаси уларнинг бошланғич қийматига бўлинади. Асосий фондларни янгилаш коэффицентини аниқлаш учун янги келган асосий фондлар суммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак. Асосий фондларнинг чиқиб кетиши коэффицентини ҳисоблаш учун эса чиқиб кетган асосий фондлар суммасини уларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак. Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффицентини аниқлаш мумкин. Уни аниқлаш учун бирдан эскириш коэффицентини айириш керак, яъни 1 - Ек .

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш нафақат асосий фондларнинг таркиби, техник ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи фонддан олинadиган самара ҳисобланади. У асосий фондларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот чиқарилганлигин кўрсатади.. Фонд самараси қуйидаги формула орқали ифодаланади: Товар маҳсулоти (соф тушум) ҳажмини асосий фондларнинг қийматига бўлинади. Фонд самараси кўрсаткичининг акси фонд сигими, деб аталади. Ушбу кўрсаткич асосий фондлар қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади.

5.4. Саноат корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўз навбатида меҳнат буюмларининг ортишига олиб келади. Агар халқ хўжалигининг айрим тармоқларида (енгил саноат) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 фоизни ташкил этишини назарда тутсак, у ҳолда материал сарфини камайтиришнинг халқ хўжалигида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз.

Корхоналарнинг моддий-техника таъминоти ҳолатини таҳлил қилиш учун уларнинг таъминот бўлими ва омборхона маълумотларига мурожаат қилиш керак бўлади. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда материаллар гуруҳи бўйича келтирилиши ва бизнес-режанинг бажарилишини аниқлаш мумкин.

Моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш даржасини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич материал қайтими ҳисобланади. У моддий харажатларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Материал самарасини аниқлаш учун товар маҳсулоти ёки соф тушум ҳажми моддий харажатлар қийматига бўлинади. Материал қайтими кўрсаткичининг акси материал сиғимидир. У бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун неча тийин моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.

5.5. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш усуллари

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади. Маҳсулот таннархи деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларининг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат унсурларига бўлинади:

- 1.Ишлаб чиқариш материал харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда).
- 2.Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
- 3.Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари.
- 4.Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси.
- 5.Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёнида бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат кўраткичини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади. фсил берилади.

5.6. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш усули

Иқтисодий таҳлилининг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ички хўжалик резервларини аниқлашдир. Бу эса асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Ушбу омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Аввал ҳар бир омиллар гуруҳи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гуруҳини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги йиғма резервлар тўғрисида умумий ҳулоса берилади. Комплект йиғма деганда, резервларнинг энг кам сўммаси олинади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

- 1.Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига дастлабки баҳо бериш тамойиллари.

- 2.Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг аҳамияти.
- 3.Сотилган маҳсулот ҳажмига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 4.Шартнома бўйича режани бажарилиши қандай аниқланади?
- 5.Маҳсулот сифати деганда нима тушунилади?
- 6.Корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлигини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.
- 7.Меҳнат унумдорлигининг ҳажмининг қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 8.Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш усулларининг асослари.
- 9.Асосий фондларнинг таркибини таҳлил қилиш усуллари.
- 10.Асосий фондларнинг техник ҳолатини ифодаловчи коэффициентлар.
- 11.Асосий фондлардан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар.
- 12..Материал самараси ва материал сифими кўрсаткичлари қандай аниқланади?
- 13.Маҳсулот таннархини деганда нима тушунилади ва таннархни аниқлашдан мақсад нима?
14. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ қандай харажат унсурларига бўлинади?
- 15.Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатлар қандай аниқланади?
- 16.Товар маҳсулоти ҳажмини ошишига таъсир қилувчи омиллар.
- 17.Комплект резервни аниқлаш усули.

6-МАВЗУ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

- 6.1.Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи коэффициентлар.
- 6.2.Корхона ишчанлик фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили.
- 6.3.Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари.

6.1. Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи коэффициентлар.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида айниқса, унинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхона балансининг ликвидлиги деганда, балансдаги ликвид маблағларнинг балансида кўрсатилган мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.

Активларнинг ликвидлиги - баланс ликвидлигининг акси бўлиб, вақт бўйича активларнинг пул маблағларига айланиши тушунилади. Ликвидлилик даражаси бўйича баланс активини гуруҳлаштириш: энг кўп тўлов қобилиятли активлар, тез сотиладиган активлар, секин сотиладиган активлар, қийин сотиладиган активлар.

Баланс пасивлари уларни тўлаш муддатлари даражаси бўйича қуйидагича гуруҳлаштирилади: энг тез тўланадиган мажбуриятлар, қисқа муддатли пасивлар, узок муддатли пасивлар, доимий пасивлар.

Корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у корхона молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди. Тўлов қобилияти корхонанинг ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган (ликвид) айланма активларнинг ҳолатига улардан самарали фойдаланишига боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради:

- жорий (умумий) ликвидлик коэффициенти. У айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини ифодалайди.

- оралик (муддатли) ликвидлилик коэффициенти. У жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар улушини тавсифлайди.

- мутлақ ликвидлик коэффиенти. Бу кўрсаткич пул маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятлардаги улушини тавсифлайди.

Молиявий барқарор корхона деганда, корхона активларига қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қоплайдиган, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган корхона тушунилади. Молиявий барқарорлик коэффицентларининг аҳамияти асосан кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади.. Уларга мустақиллик, молиявий қарамлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари киради:

- мустақиллик коэффиенти. Ушбу кўрсаткич корхона маблағларининг қарз маблағларига қарам эмаслигини тавсифлайди. У ўз маблағларининг хўжалик маблағлари умумий суммасига нисбати тариқасига аниқланади;

- молиявий қарамлик коэффиенти. Ушбу кўрсаткич корхонани ўз маблағларининг бир сўмига қанча хўжалик маблағлари тоўғри келишини кўрсатади ва хўжалик маблағларининг ўз сармоясига нисбати сифатида аниқланади;.

- молиявий барқарорлик коэффиенти. У ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати сифатида аниқланади.

6.2. Корхона ишчанлик фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда унинг ишчанлик фаоллиги билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Булар қаторига айланма маблағларни айланиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиш кўрсаткичлари киради. Айланма маблағларнинг айланиш кўрсаткичлари бир қанча. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1. Жами активларнинг айланиш коэффиенти. У соф тушумни корхона хўжалик маблағларининг умумий суммасига нисбати сифатида аниқланади.

2. Айланма маблағларнинг айланиш куни. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини 360га кўпайтириб, маҳсулот сотилишдан тушган соф тушумга бўлиш керак.

3. Қарз маблағларининг айланиш куни. Уни аниқлаш учун қарз маблағларининг ўртача суммасини соф тушумга бўлинади.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатининг таҳлили жараёнида дебитор ва кредитор қарзларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади, зеро, муддати ўтган ушбу қарзларнинг мавжудлиги ўз навбатида молия ресурсларини қайта тақсимлашга, хўжалик ҳисоби тамойилларини бузишга олиб келади.

Дебитор қарзлари, деганда айнан таҳлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.

Кредитор қарзлари деганда эса ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айнан таҳлил қилинаётган корхона айланмасида қатнашиши тушунилади. Кўпгина корхоналар молиявий ҳолатини ёмонлашуви омилларидан бири - катта суммадаги муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳосил бўлишидир.

6.3. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида иқтисодий дастаклардан кенг кўламда фойдаланилади. Буларга фойда, баҳо, рентабеллик кўрсаткичлари, солиқ, кредит, фоиз кабилар киради. Уларни ичида фойда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи энг муҳим мезондир.

Молиявий натижа-корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган яқундир. Корхоналарнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини белгиловчи асосий мезон - соф фойда ҳисобланади. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун қуйидаги оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак: ялпи фойда, асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойда, умумхўжалик фаолиятдан олинган

фойда, солиқ тўлагунга қадар фойда ва соф фойда. Молиявий натижалар таҳлилининг асосий вазифаси фойда кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳамда соффойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилишдан иборатдир. Фойда кўрсаткичларини қуйидагиса аниқланади:

- 1.Ялпи фойда қ Соф тушум – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.
- 2.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойда қ ялпи фойда - давр харажатлари ± асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат).
- 3.Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда қ асосий фаолиятдан олинган фойда Қ олинган дивидендлар Қ бошқа олинган дивидендлар ± олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар ± бошқа олинган ва тўланган фоизлар ± валюта курси фарқи ± молиявий фаолият бўйича бошқа даромад (харажат).
- 4.Солиқ тўлагунга қадар фойда қ умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ± фавқулоддаги фойда (зарар).
- 5.Соф фойда (зарар) қ солиқ тўлагунга қадар фойда - фойдадан солиқ бошқа солиқлар ва ажратмалар.

Фойданинг мутлақ миқдори корхоналарнинг хўжалик юритиш борасидаги самарадорлик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шунинг учун нисбий кўрсаткичларни аниқлаш керак. Бу кўрсаткич - рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Рентабеллик кўрсаткичи жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир айрим корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннарига қўшиладиган ва молиявий натижаларнинг таркиб ториши ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия қилинган. Буларга: жами активлар (мулк) рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, хусусий (ўз) капиталнинг рентабеллиги ва акциянинг рентабеллиги. Шу билан бир қаторда яна бир қанча рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш усулларини кўрсатиш мумкин. Қуйида рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини ҳавола этамиз:

1.Жами активларнинг рентабеллиги корхонанинг асосий ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини кўрсатади. Жами активларнинг рентабеллик даражаси қуйидаги формула орқали соф фойда суммасини (СФ) жами активларнинг ўртача миқдори (ЖАС) бўлиш йўли билан аниқланади:

2.Сотилган маҳсулот рентабеллиги (СМР) сотилган маҳсулот бирлигига фойда улушини, яъни сотилган маҳсулотнинг самарадорлик даражасини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича ялпи фойда суммасини (ЯФ) маҳсулот сотишдан тушган соф тушумга (СТ) нисбати тариқасида аниқланади.

3.Хусусий (ўз) сармояси рентабеллиги (ХСР) корхонанинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлик даражасини кўрсатади, яъни корхонанинг ўз сармояси ўртача йиллик суммасининг бир пул бирлигидан қанча пул бирлигига тенг соф фойда олинганлигини кўрсатади. У соф фойда ҳажмини ўз сармоясини миқдорига нисбати тариқасида аниқланади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

- 1.Молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш усуллари.
- 2.Тўлов қобилияти даражасига қараб корхона активлари нечта гуруҳга бўлинади?
3. Баланс пасивлари уларни тўлаш муддатларига қараб нечта гуруҳга бўлинади?
- 4.Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи коэффициентлар қандай аниқланади?
- 5.Айланма маблағларни айланиш коэффициенти қандай аниқланади?
- 6.Айланма маблағларни айланиш куни қандай аниқланади ва унга қандай омиллар таъсир қилади?

7. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини таҳлил қилиш усуллари.
8. Фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.
9. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар қандай аниқланади?
10. Соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усули.
11. Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари.
12. Жами активлар рентабеллиги даражаси қандай аниқланади?

7-МАВЗУ. АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни.
3. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари.
4. Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

7.1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Аудит шу кунга қадар узоқ, тарихга эгадир. Биринчи мустақил аудиторлар Европанинг акциядорлик компанияларида XIX-асрларидаёқ пайдо бўлган. Аудит сўзи турли таржималарда у "эшитади" ёки "эшитмоқда" деган маънони англатади.

Аудитнинг пайдо бўлиши корхона бевосита бошқариш билан шугулланаётганлар (маъмурият, менеджерлар) ва унинг фаолиятига пул қўяётганлар (мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар) манфаатларини ажралиши натижаси билан боғлиқдир. Улар фақатгина корхона бошқаруви ва унга қарам бўлган бухгалтерлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларни асос қилиб олишлари мумкин эмас эди ва хоҳлашмасди ҳам. Акциядорлар алданмаётганликларига, маъмурият томонидан тақдим этилган ҳисобот корхонанинг амалдаги молиявий ҳолатини тўлиқ акс этаётганлигига тўлиқ, ишонч ҳосил қилишни истар эдилар. Молиявий маълумотни тўғри эканлигини текшириш ва молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун, акциядорларни фикри бўйича ишониш мумкин бўлган шахслар таклиф этилар эди. Аудиторга нисбатан қўйиладиган асосий талаблардан унинг сўзсиз ҳалолчилиги ва мустақиллигидир. Бухгалтерия ҳисобининг мураккаблашганлиги аудиторнинг жиддий малакавий тайёргарликка эга бўлишлигини тақозо этади.

Аудитнинг ўзига хос предмети ва объектлари мавжуд. Аудит махсус фан сифатида маълум мақсадга қаратилган ва бир қанча вазифаларни бажаради. Аудитнинг предмети хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг фаолиятлари ҳисобланади. Маълумки корхоналар ўз уставларига асосан фаолият юритадилар. Ушбу фаолият жараёнида молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Корхоналарнинг активлари доимий равишда даромад, фойда олишга қаратилган бўлади. Лекин, ушбу натижаларга фақат қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда эришиш мумкин. Корхоналар ўз фаолиятларида меъёрий ҳужжатларга, қабул қилинган қоидаларга риоя қилишлари шарт. Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини белгилайди ва унга асосан ҳисоб-китобларни юритади. Аудит пайтида корхона фаолиятининг қабул қилинган қонунларга монандлиги, ҳисоб маълумотларининг корхона молиявий-хўжалик кўрсаткичларига мувофиқлиги текширилади.

7.2. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни.

Аудит - бунга ваколати бўлган шахслар - аудитор (аудиторлик ташкилот)лар томонидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботининг ишончилиги ҳамда молия-хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, эканлигини аниқлаш мақсадида мустақил

экспертиза ва таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, уларнинг тўлиқлиги ва аниқчилигининг текшириш демакдир. Шунингдек, аудит таркибига консалтинг, яъни мижозларга шартномага асосан хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

Аудиторлик назоратини ўтказишдан асосий мақсад – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри ва ҳолис баҳолашдир, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишда уларга йўл-йўриқларни кўрсатишдир.

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда қуйидагича ифодаланган, “Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

7.3.Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари.

1929-1933 йилларда дунёда вужудга келган иқтисодий инқироз бухгалтер-аудиторларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу вақтда, аудиторлик текшируви сифати ва унинг мажбурийлигига қўйиладиган талаблар кескин кучаяди, бу турдаги хизматларга бозор эҳтиёжи ўсиб боради. 1940 йилларнинг охиригача аудит асосан амалга оширилган пул операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларни текширишдан ва молиявий ҳисоботларда ушбу операциялар тўғри гуруҳланганлигини текширишдан иборат эди. Бу, ибора жоиз бўлса, тасдиқловчи деб аталадиган аудит эди.

1949 йилдан сўнг мустақил аудиторлар, самарали ички назорат тизимида хато қилиш эҳтимоли унча кўп бўлмайди ва молиявий маълумотлар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлади деб ҳисоблаб, компаниялардаги ички назорат масалаларига эътиборни кўпроқ, қарата бошладилар.

Аудит ривожланишининг учинчи босқичи - бу текширув ўтказишда ёки маслаҳат беришда вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликка йўналтириш, таваккалчиликни олдини олиш ва бартараф этишдир, яъни: мижознинг бизнес шартларидан келиб чиққан ҳолда, асосан хатоликларга йўл қўйилиши мумкин бўлган ёки товламачилик таваккалчилиги энг юқори бўлган жойларни танлаб текширувчи аудитдир.

7.4.Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

Аудитнинг предмети тафтишдан ўлароқ корхонанинг фақат бир фаолият тури ёки биргина кўрсаткичи бўлиши мумкин. Мисол учун, савдо фаолияти, ишлаб чиқариш фаолияти ёки бўлмаса пул маблағлари, товарлар, қимматли қоғозлар, валюта операциялари ва бошқалар. Аудитнинг предметиға корхона молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги, ҳисоб сиёсатиға, солиқ сиёсатиға тўлиқ амал қилинишликни текшириш ҳам киради. Аудитнинг аниқ предмети ёки объекти мижоз билан тузилган шартномаға бевосита боғлиқ бўлади.

Аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқлар

№	Фарқ қиладиган белгилар	Аудит	Тафтиш
1	Мақсадлари	Молиявий ҳисобот ишончилиги юзасидан фикр билдириш, хизматлар кўрсатиш, мижозға ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш	Бартараф этиш мақсадида камчиликларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жазолаш.
2.	Тавсифи	Ишбилармонлик фаолияти	Ижроий фаолият, фармойишларни бажариш
3.	Ўзаро ҳуқуқий муносабат асослари	Фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик шартномаларға асосан амалға ошириш	Маъмурий ҳуқуқ, мажбурийлик, юқори ташкилот ёки давлат идоралари фармойишларига мувофиқ амалға

			ошириш
4.	Бошқарув алоқалари	Горизонтал (-) алоқалар, мижоз билан муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ, унинг олдида ҳисобот бериш	Вертикал (!) алоқалар, юқори бўғин томонидан тайинланиш, ижроси тўғрисида унга ҳисобот бериш
5.	Хизматларга тўлов тамойиллари	Тўловни мижоз-корхона ёки аудиторлик текширувини буюртмачиси шартнома асосида амалга оширади	Тўловни юқори бўғин ёки давлат идораси амалга оширади
6.	Амалий масалалар	Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, пассив (инвестор, кредитор) ларни жалб қилиш, мижозга маслаҳатлар билан ёрдам бериш.	активларни сақлаш, суистеъмолчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш.
7.	Натижалар	Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш билан яқунланади. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосасининг яқуний қисми чоп этилиши мумкин.	Далолатнома - бу барча аниқланган, хатто аҳамиятсиз бўлган камчиликлар қайд этилган ички ҳужжат. Далолатнома юқори ташкилотга ёки бошқа идораларга тақдим этилиши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамызда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва мулк шаклининг ўзгариши натижасида тафтишнинг ўрнини аудит эгаллаши тезлашди. Аммо, тафтиш бутунлай йўқолиб кетмайди ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мустаҳкамланишига қараб сақланиб қолади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти деганда нима тушунилади?
2. Қайси давлатда биринчи бўлиб аудит пайдо бўлган?
3. Аудит яхши ривожланган давлатларнинг номини айтинг?
4. Аудитнинг моҳияти нималардан иборат?
5. Сиз қандай назорат турларини биласиз? Уларнинг қисқа тавсифини беринг?
6. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқалар нималардан иборат?
8. Аудит ва тафтишнинг қандай фарқлари мавжуд?
9. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси ким?
10. Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатларнинг номини айтинг?

8-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа

1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими, унинг элементлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.
3. «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ва уларнинг моҳияти.
4. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари.

8.1. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа Қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ташқи аудитни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрий асосини ташкил қилувчи ҳужжат бўлиб, унда аудиторлик ташкилотнинг ҳуқуқлари, мажбурияти, жавобгарлиги, унинг ташкил этилиш асослари, аудиторлик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия ва унинг талабларини, аудитор ва унинг ёрдамчилари, аудиторлик текширувлар, мажбурий аудит ва профессионал хизматларни тартибга солади.

8.3. «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ва уларнинг моҳияти.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши жарима солиш учун асос ҳисобланади.

Қуйидагилар:

ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги;

аудиторлик ҳулосаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майгача аудиторлик текширувидан ўтказди ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик ҳулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Аудиторлик ҳулосаси нусхаси солиқ органига белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъект солиқ органига аудиторлик ҳулосаси мавжуд эмаслигининг сабабини акс эттирувчи тушунтиришни ёзма шаклда тақдим этиши керак.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш сабабли аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлмаса, солиқ органи хўжалик юритувчи субъектга белгиланган тартибда жарима солади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланишига олиб келади. Хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлландигандан кейин календар йил охиригача мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектидан Низом³нинг 7-бандида назарда тутилган миқдорда жарима ундирилишига олиб келади. Бунда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган тақдирда хўжалик субъектига жарима суд тартибда солинади, хўжалик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликда айбини тан олган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса - жарима солиқ органи томонидан солинади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Жарима қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади. Бунда хўжалик субъектининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активларининг йигирма фоизидан ортиқ бўлган ялпи жарима хўжалик субъектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига 2-илова “Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида” Низом.

кундан бошлаб ундириладиган суммани олти ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуқи берилган ҳолда ундириб олинади.

Жарима ставкалари табақалаштирилган ва мажбурий текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йили охирида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушуми миқдорига қараб белгиланадиган миқдорларда ундириб олинади (2.2-жадвал).

2.2-жадвал⁴

Жарима миқдори	
Жарима миқдори*	Бир йилда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган ялпи тушум миқдори (ҚҚС ҳам шу жумлага киради)**
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 75 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 бараваридан 15 минг бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 15 минг бараваридан ортиқ

*Жарима миқдорини аниқлашда энг кам ойлик иш ҳақининг жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилган санадаги миқдоридан фойдаланилади.

**Бюджетдан ташқари ва хайрия жамғармалари учун ялпи тушум деганда амалдаги тушумлар, шу жумладан аъзолик бадаллари тушунилади.

8.4. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари.

Аудиторлик стандартлари аудитнинг сифати ва ишончлилигига қўйиладиган меъёрий талабларни белгилайдиган ва уларга риоя қилганда, аудиторлик текшируви натижаларини маълум даражада кафолатли бўлишини таъминлайдиган умумий асосий талабларни ифодалайди. Иқтисодий шароитлар ўзгариб бориши билан, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар эҳтиёжларини янада ҳам тўлиқроқ қондириш мақсадида, аудиторлик стандартлари мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқилиши лозим.

Аудиторлик стандартлари асосида аудиторларни тайёрлаш учун ўқув дастурлари ҳамда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини бериш учун ўтказиладиган имтиҳонларга қўйиладиган умумий талаблар шакллантирилади.

Суд жараёнида аудиторлик стандартлар ўтказилган аудит сифатини исботлаш ва аудиторлар жавобгарлиги даражасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Стандартлар аудит ўтказиш учун умумий ёндошиш, аудиторлик текшируви миқёси, аудиторлар ҳисоботларининг турлари, услубиёт масалалари ҳамда аудит қандай шароитларда ўтказилаётганлигидан катъий назар, ушбу касб вакиллари қандай асосий тамойилларга риоя қилиш лозимлигини белгилайди. Ўз амалиётида стандартдан четга чиқишга йўл қўйган аудитор, буни сабабларини тушунтириб беришга тайёр бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ташкил топиш босқичидадир. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, давлат ва ижтимоий аудиторлик ташкилотларининг аҳамияти ва фаолиятини аниқлаш жараёни кетмоқда. Қуйида беш асосий босқичдан иборат, кўп босқичли аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрий тизими ажратиб кўрсатилиши мумкин:

Биринчи босқич - молиявий-иқтисодий тизимда аудитнинг ўрни, аҳамияти, вазифаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 26 май.

⁴ ЎзР ВМ 17.05.2007 й. 99-сон Қарори таҳриридаги жадвал.

Иккинчи босқич - барча субъектлар учун мажбурий бўлган аудиторлик фаолиятини тартибга солиш умумий масалаларини белгиловчи қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатлар. Уларга қуйидагилар кирилади:

1. "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

2. "Аудиторнинг малакавий сертификатини бериш тўғрисидаги Низом". Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган ва бошқалар.

Учинчи босқич - Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС).

Тўртинчи босқич - аудиторлик фаолияти ва аудитнинг махсус турларини ўзига хос бўлган масалаларини тартибга солишчи аудиторлик фаолиятининг махсус стандартлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари.

Бешинчи босқич - аудит ўтказишда тегишли аудиторлик ташкилоти аудиторлари ҳаракатини тартибга солишчи фирма доирасидаги аудиторлик стандартлари.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Сиз қандай назорат турларини биласиз? Уларнинг қисқа тавсифини беринг?
2. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқалар нималардан иборат?
4. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Аудит ва тафтишнинг қандай фарқлари мавжуд?
6. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси ким?
7. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишчи асосий меъёрий ҳужжатларнинг номини айтинг?
8. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солишчи тизим қандай ташкил этилган?

9-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Режа

1. Мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви.
2. Аудит турлари ва шакллари.
3. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.
4. Хўжалик субъектларида аудит ўтказишни ташкил этиш босқичлари ва уларда бажариладиган аудит амаллари.
5. Жиддийлик тушунчаси, жиддийлик даражаси, уни аниқлаш ва аудит ўтказишда қўллаш.
6. Аудиторлик rischi тушунчаси, аудиторлик riskларнинг мақбул тўплами, унинг элементлари ва уларни баҳолаш.

9.1. Мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади.

Қуйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш ҳайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш хўжалик юритувчи субъект мулкдори, шунингдек қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилиши билан келишиб олинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йиғирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

9.2. Аудит турлари ва шакллари.

Аудит ички ва ташқи аудитга ажратилади.

Ички аудит бошқарув назоратининг ажралмас ва муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Йирик корхоналарда раҳбариятнинг юқори бўғини ташкилот фаолияти ва қуйи раҳбарият тизими юзасидан кундалик назорат билан шуғулланмаслиги оқибатида ички аудитга эҳтиёж вужудга келади. Ички аудит айнан ушбу фаолият тўғрисида маълумот беради ва менежерлар ҳисоботларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Ички аудитнинг кераклилиги, асосан, заҳиралар, камомадини олдини олиш ва корхона ичида керакли бўлган ўзгаришларни амалга оширишдан келиб чиқади. Ташқи аудит корхоналар буюртмалари (шартномалар)га асосан мустақил аудиторлар, аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ташқи аудитнинг хусусиятларидан бири текширувни амалга ошираётган аудиторлар текширув олиб борилаётган хўжалик юритувчи субъектда ҳеч қандай манфаатга эга эмаслигидир, яъни: таъсисчи, мулк эгаси, акциядор, текширилаётган иқтисодий субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботига қўйиладиган талабларига риоя қилиниши учун масъул раҳбар ва бошқа мансабдор шахслар эмас ҳамда корхона раҳбарияти билан қариндош (отаси, онаси, рафиқаси, акаси, укаси, опаси, синглиси, ўғли, қизи) ва улар билан хизмат юзасидан алоқадор эмас.

Мажбурий аудит - амалдаги қонунчиликка мувофиқ аудит ўтказилиши мажбурий деб белгиланган корхоналарнинг молиявий ҳисоботини ҳар йиллик аудиторлик текширувини амалга ошириш.

Ташаббус тарзидаги аудит - лозим бўлган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектнинг қарори билан амалга оширилиши мумкин.

Операцион аудит - корхона хўжалик механизмининг алоҳида бўлимлари фаолиятини, уларнинг самарадорлиги, ишончлилиги ва бошқарув учун фойдалилигини баҳолаш мақсадида амалга ошириладиган текширувдир.

Операцион аудитда текширувга бошқарув ташкилий тизимининг ҳажми, бухгалтерия ҳисобининг ташкилий услуби ва техникаси, компьютер тизимлари, маркетинг услублари ва бошқа жиҳатлар киритилиши мумкин.

Мувофиқлилик аудити - бу корхона хўжалик тизимида амалдаги қонунчиликка оид ҳужжатлар ва йўриқномалар билан белгиланган меъёрларга ҳамда маъмурият ходимлари учун ишлаб чиқилган муолажа ва қоидаларга қандай риоя этилаётганлигининг текширувидир.

9.3. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги профессионал хизматларини кўрсатишлари мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисоботни тузиш;

миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошқа профессионал хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин.

9.5. Жиддийлик тушунчаси, жиддийлик даражаси, уни аниқлаш ва аудит ўтказишда қўллаш.

Аудит ўтказиш жараёнида аудитор жиддийлик ва унинг аудиторлик таваккалчилиги билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиши лозим.

Жиддийлик (муҳимлик) – аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий счетларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир.

Аудитда жиддийликни аниқлаш 9-сон “Жиддийлик ва аудиторлик rischi” номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида белгилаб берилган. Унга кўра, “Аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ишончлилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар жиддий ҳолатлар деб эътироф этилади.

Барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги деганда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг жиддийлиги унинг хусусияти бўлиб, уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир қилади

Агар маълумот акс эттирилмаслиги ёки нотўғри акс эттирилиши фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай маълумот муҳим ҳисобланади. Муҳимлик маълум вазиятларда модда ёки хато миқдоридан келиб чиқиб уларни акс эттирмаслик ёки нотўғри акс эттириш юзасидан фикр қабул қилинишига боғлиқ. Бинобарин, муҳимлик

маълумот фойдали бўлиши учун лозим бўлган бошланғич сифат тавсифи эмас, балки кўпроқ бошланғич ёки ҳисоб бошлаш нуқтасини кўрсатади.

Умумий аудиторлик амалиётида жиддийлик чегараларини қуйидагича белгилаш қабул қилинган:

$$0 < Ж < 1 \text{ ёки (фоиз ҳисобида } 0 < Ж\% < 100)$$

Ушбу чегара оралигидаги эҳтимоллик хўжалик субъектлари ҳисоботларининг ишончлилигига таъсир кўрсатадиган хатолар мавжудлигини аниқлаш, тегишли аудиторлик қарорларини қабул қилиш учун ушбу хатоларни баҳолаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ифодалайди.

9.6. Аудиторлик rischi тушунчаси, аудиторлик riskларнинг мақбул тўплами, унинг элементлари ва уларни баҳолаш.

Аудиторлик таваккалчилиги – бу аудиторлик текширувининг, мижознинг ички назорат тизимининг самарасизлиги, аудиторлар томонидан мижоз хатоларини аниқлай олмаслиги таваккалчилигини баҳолашдир.

Умумий аудиторлик амалиётида аудиторлик таваккалчилгининг мақбул тўпламига қуйидагича ёндашув ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги бош ҳарфлари бўйича қуйидаги формула кўринишида ифодаланган:

$$ДАР к IR х CR х ДР$$

ДАР – аудиторлик таваккалчилигининг мақбул тўплами;

IR – ички хўжалик таваккалчилиги;

CR – назорат таваккалчилиги;

ДР – аниқланмаслик таваккалчилиги.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Муҳимлик деганда нима тушунилади?
2. Аудиторлик rischi нима?
3. Аудиторлик фирмалари томонидан мижозларни танлаб олишда нималарга эътибор бериш керак?
4. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун қандай ҳужжат тузилади?
5. Аудиторлик текширувларининг қиймати қандай белгиланади?
6. Аудиторлик текширувини ўтказишга розилик хати ким томонидан тузилади?
7. Розилик хатининг асосий мазмуни нималардан иборат?

10-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа

1. Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Аудитни режалаштиришнинг босқичлари.
2. Аудитнинг умумий режасини ва дастурини тайёрлаш ва тузиш.
3. Аудиторлик далиллар тушунчаси, турлари, манбалари, амаллари ва далилларни тўплаш.
4. Аналитик процедуралар (таҳлилий амаллар).
5. Аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари.
6. Аудиторлик танлаш тушунчаси, усуллари, моҳиятан танлаб текшириш. Танлаш кўлами. Салмоқли (репрезентатив) танлаш.

10.1. Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Аудитни режалаштиришнинг босқичлари.

Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда, аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириши лозим. Аудит дастурини ишлаб чиқишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши учун, аудит умумий режасининг ҳужжатли акс эттирилиши йўтарли даражада батафсил бўлиши керак, бунда унинг аниқ шакли ва мазмуни субъект катталиги, аудитнинг мураккаблиги ҳамда аудитор қўллаётган аниқ услубият ва технологияга боғлиқ.

Аудитор аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишда кўриб чиқиши талаб қилинадиган масалалар қуйидагилар:

Бизнесни билишлик;

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш;

Таваккалчилик ва муҳимлик;

Муолажалар тавсифи, муддати ва ҳажми;

Ишни мувофиқлаштириш йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш ва шарҳлаш;

Бошқа жабҳалар.

Аудитор аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун керакли бўлган, режалаштирилган аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажминини белгиловчи аудит дастурини ишлаб чиқиши ва ҳужжатли расмийлаштириши лозим. Аудит дастури аудитда иштирок этаётган аудитор ёрдамчилари учун йўриқномалар тўплами ҳамда ишни тегишли равишда бажарилиши ва акс эттирилиши юзасидан назорат қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шунингдек, аудит дастури аудитнинг ҳар бир бўлими бўйича белгиланган вазифалар ва аудитнинг турли жавҳалари ёки муолажаларига ажратилган соатлар миқдори кўрсатилган вақт бюджетидан иборат бўлиши мумкин.

10.2. Аудитнинг умумий режасини ва дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Аудитнинг дастури аудит режасининг ривожланиши ҳисобланиб текширувнинг ҳар бир аниқ бўлими учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар рўйхатидан иборатдир. Аудиторлик дастурлар қуйидаги икки турда бўлади:

1) корхона ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган назорат тестлари дастури;

2) бевосита счетлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган счетлардаги қолдиқларни текшириш дастури.

Аудиторлик дастури қуйидаги омиллардан таркиб топган:

1) аудиторларнинг ишлаш жадвали.

2) батафсил муолажалар.

3) аудит бўйича ишни назорат қилиш.

4) ходимлар.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш жараёнида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектда амал қилаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими хатарини (назорат хатарини) баҳолашни амалга оширади.

Аудит умумий режасининг намунавий мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот: “Ўзбек кўмир” ОАЖ

Аудит даври 1.03 – 15.03. 2010 й.

Киши-соатлар сони: 3

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Хамдамов Б.У.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Жўраев О.Н., Бурхонов А.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари - 2%

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 5%

Н	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изохлар
1	Молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби регистрлар кўрсаткичлари бир бирига мувофиқлигини текшириш	1.03-10.03	Хамдамов Б.	
2	Бухгалтерия баланси тўғри тузилганлигини текшириш	1.03-15.03	Жўраев О.Н.	
3	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тўғри тузилганлигини текшириш	1.03-15.03	Бурхонов А.	
4	Бошқа шаклдаги ҳисоботлар тўғри тузилганлигини текшириш	10.03-15.03	Хамдамов Б.	

Имзолар: _____ Аудиторлик ташкилоти раҳбари
 _____ Аудиторлик гуруҳи раҳбари

10.3. Аудиторлик далиллар тушунчаси, турлари, манбалари, амаллари ва далилларни тўплаш.

Аудитор томонидан текширувдан олдин, текширув жараёнида ва унинг натижаларига кўра тайёрланган ва тўпланган барча маълумот **аудиторлик маълумоти** ҳисобланади. Ушбу маълумотнинг бир қисми аудиторлик исботлари тариқасида фойдаланиш учун мумкин бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларидир.

Аудиторлик исботлар - аудиторлик хулосасини асослашга хизмат қиладиган текширув вақтида аудитор томонидан тўпланган маълумот ва натижалардир.

Аудиторлик исботлар релевант ва етарли бўлиши лозим. Исботнинг релевантлиги - қайсидир бир муаммони ечиш учун унинг муҳимлилигидир, етарлилик эса - ҳар бир аниқ ҳолатда, аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш асосида аниқланади. Қандай бўлмасин, аудитор ҳаққоний ва асосланган хулоса тайёрлаш учун керакли сифатдаги етарли даражада исботлар тўплаганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим.

Аудиторлик исботларнинг сифати улар олинadиган манбалар сифатига боғлиқдир.

Аудиторлик исботлар ҳужжатлаштирилган манбалардан, мижоз ходимлари ва учинчи шахслардан оғзаки равишда сўровномалар вақтида ва корхонада ҳисоб ва бошқа операциялар бажарилаётганида бевосита кузатиш йўли билан олинishi мумкин.

Ишончлилик ва ҳақиқийлик даражаси бўйича аудиторнинг бевосита ўзи олган маълумотлар энг қимматли ҳисобланади. Ҳужжатлаштирилган исботлар ва мижознинг ёзма тақдимномалари оғзаки равишда олинган исботлардан устун туради.

10.4. Аналитик процедуралар (таҳлилий амаллар).

Таҳлилий тадбирларга қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларининг кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш;

2. Молиявий ҳисоботларнинг кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш;

3. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ўрнатган меъёрий кўрсаткичлар билан солиштириш;

4. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш;

5. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш;

6. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффициентларни вақт ўтиши давомидаги ўзгаришларини таҳлил қилиш.

Таҳлилий амалларнинг тури уларни ўтказиш мақсади, ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни олиш имконияти ва унга мослигига, ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолият турига боғлиқ бўлади.

Ҳўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ҳақиқий кўрсаткичларини у томонидан белгиланган режа билан солиштиришда аудиторлик ташкилоти:

1. Ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қўлланиладиган режалаштириш услубиятини баҳолаш;

2. Ҳисобот даври молиявий кўрсаткичлари мижоз томонидан режа кўрсаткичларига мувофиқ ўзгартирилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳақиқий кўрсаткичларини мустақил белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштиришда аудиторлик ташкилоти вужудга келган вазият асосида ўз тахминларини белгилайди.

10.5. Аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари.

Олдиндан ва текширув вақтида аудитор томонидан тайёрланадиган барча ҳужжатлар унинг ишчи коғозлари ҳисобланади ва унга аудитни режалаштиришда ва амалга оширишда, назорат қилишда ва аудиторлик ишининг жараёнида ёрдам беради ҳамда аудиторлик ишининг исботи ҳисобланади.

Тажрибали аудиторлар ўзларининг ишчи коғозларини етарли даражада тўлиқ ва батафсил, қуйидаги барча муҳим муаммоларни киритган ҳолда тайёрлайдилар:

- 1) корхонанинг ташкилий тузилиши тўғрисида маълумот;
 - 2) ҳуқуқий ҳужжатлар, келишувлар ва мажлислар баённомаларидан кўчирмалар ёки уларнинг нусхалари;
 - 3) мазкур корхонада аудит жараёни режалаштирилишининг асосланганлиги;
 - 4) ҳисоб тизими ва ички назоратни ўрганиш ва баҳолаш натижаларини акс этиш;
 - 5) счетлар бўйича битим ва қолдиқлар таҳлили;
 - 6) молиявий ёки бошқа жараёнларнинг ривожланиш йўналишларини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ва трендлар таҳлиллари;
 - 7) амалга оширилган аудиторлик муолажалар мазмуни, ўтказиш вақти ва ҳажми ҳамда улар натижаларини акс этиш;
 - 8) ассистентлар томонидан бажарилган ишлар аудитор томонидан текширилганлиги ва таҳлил қилинганлиги тўғрисида исботлар;
 - 9) аудиторлик муолажалар ким томондан ва қачон амалга оширилганлиги тўғрисида кўрсатмалар;
 - 10) аудиторнинг экспертлар, маслаҳатчилар ва учинчи томоннинг бошқа вакиллари билан ўтказган суҳбатлар нусхаси;
 - 11) аудитор томонидан ўз мижозига йўллаган хатлар нусхаси, шу жумладан, ўз мажбуриятлари ва ички назорат тизимига оид камчиликлар тўғрисида;
 - 12) мижоздан ёки унинг вакилларида олинган хатлар;
 - 13) аудиторга тақдим этилган аудитнинг энг муҳим бўлган томонларига тааллуқли натижалар, тушунтиришлар, шу жумладан, ғайритабiiй бўлган турли саволлар ва истиснолар;
 - 14) ўтган ҳисобот даврларга мансуб бўлган молиявий ҳисоботлар нусхалари ҳамда ушбу ҳисобот бўйича аудиторлик хулосалар, маълумотномалар, далолатномалар.
- Аудиторнинг ишчи коғозлари мижоз тўғрисида "досье" деб аталадиган махсус жилдларда сақланади.

10.6. Аудиторлик танлаш тушунчаси, усуллари, моҳиятан танлаб текшириш. Танлаш қўлами. Салмоқли (репрезентатив) танлаш.

Аудиторлик текширувига ажратилган вақт жуда ҳам чекланганлиги муносабати билан, аудитор барча операциялар ва ҳужжатларни текширишга қодир эмас. Одатда, энг муҳим бўлган бўлимларда текширув ёппасига, операцияларнинг асосий қисми устидан назорат эса - танлаб олиш усули билан амалга оширилади, натижада аудит тезлашади ва арзонлашади.

Текширилаётган мажмуани алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва бошқа кўринишларда шакллантириш учун муайян қоидалар бўйича олинган элементлар аудитда танлаб олиш ҳисобланади. Хатолар мавжуд бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби операцияларини танлаб олиш йўли билан аудитни режалаштириш жараёнида, аудитда танлаб олишнинг асосий принципига асос солинади.

Аудиторлик текшируви учун танлаб олинган операциялар ва ҳужжатлар сони аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратга баҳо беришига боғлиқдир - ушбу баҳо қанчалик юқори бўлса, шунчалик танлаб олиш ҳажми камроқ бўлади ва бунинг акси. Танлаб олиш репрезентатив (эътиборли) бўлиши керак, яъни, ўрганилаётган мажмуанинг барча элементлари танлаб олиш учун бир хил эҳтимолга эга бўлиши лозим.

Аудитда танлаб олиш ҳажми икки хил йўл билан аниқланиши мумкин;

1) олдинги тажрибага асосланган ҳолда баҳолаш;

2) хатолар пайдо бўлиш эҳтимолига асосланган статистик усул.

Биринчи усулни қўллашда одатда, аудитор жамланган аудиторлик тажрибаси ва операция хусусиятидан келиб чиққан ҳолда (масалан, ҳар бир унинг ёки юзинчи ҳужжатни ёки операцияни текшириш ва ҳоказо) танлаб олиш ҳажмини ички ҳис билан сезиб белгилайди. Статистик усулларни қўллашда аудитор аввал маълумот тасдиқланиши учун керакли бўлган аниқликни белгилайди, сўнгра танлаб олиб тақсимлаш формуласига биноан ишончлилик коэффициентини аниқлайди ва унинг асосида танлаб олиш ҳажмини ҳисоблаб чиқади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Корхонада ички назорат тизимини баҳолаш нима мақсадларда ўтказилади?
2. Эксперт – бу қандай мутахассис. Аудитда экспертнинг тутган ўрни.
3. Қандай ҳолатларда аудитор ички назорат тизими натижаларидан фойдаланиши мумкин?
4. Қандай ҳолатларда аудитор эксперт хизматларидан фойдаланиши мумкин?

11-МАВЗУ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ

Режа

1. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.
2. Аудитор текширувининг ишчи файллари.
3. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши.
4. Аудиторлик хулосасининг тузилиши.
5. Аудиторлик хулосаларининг турлари.

11.1.Аудитор текширувининг ишчи файллари.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудит мажбурий ҳужжатлаштириш билан биргаликда, яъни мазкур аудит стандартига мувофиқ расмийлаштирилган аудитнинг иш ҳужжатларида ги олинган ахборотнинг акс эттирилиши орқали олиб борилиши лозим.

8. Аудит иш ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- а) аудит ўтказиш режа ва дастурлари;
- б) аудиторлик ташкилоти томонидан фойдаланилган жараёнлар ва уларнинг натижалари баёни;
- в) ҳўжалик юритувчи субъектнинг тушунтиришлари, изоҳлари ва аризалари;

г) ҳўжалик юритувчи субъект ҳужжатларининг кўчирма нусхалари, шу жумладан, фотонусхалари;

д) ҳўжалик юритувчи субъектни ички назорат қилиш ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тизимининг тавсифи;

е) аудиторлик ташкилотининг таҳлилий ҳужжатлари;

ж) бошқа ҳужжатлар.

Иш ҳужжатлари таркибига киритилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг тахминий рўйхати аудитнинг мазкур стандартига иловада келтирилган.

9. Иш ҳужжатлари аудитни ўтказаетган аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган бўлиши ёки аудит ўтказилаётган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўзидан, ёки бошқа шахслардан олинган бўлиши мумкин.

10. Иш ҳужжатларининг шакли ва мазмуни қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ:

а) олиб борилаётган ишнинг туси;

б) аудиторлик хулосасининг шакли;

в) ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти (бизнеси) туси ва мураккаблилиги;

г) ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорати ҳолати;

д) алоҳида жараёнларнинг бажарилиши чоғидаги аудиторлик ташкилоти ходимлари иши устидан раҳбарлик ва назорат қилишнинг зарур даражаси;

е) аудитни ўтказиш жараёнида ўзига хос аудиторлик усуллари ва технологияси.

11.2.Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши.

Амалга оширилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудитор аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаши лозим. Бошқа турдаги аудиторлик хизматлари кўрсатилганда ҳам аудиторлик ҳисоботи тайёрланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрларнинг элементи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 10 мартда 1016-сон билан рўйхатга олинган Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (70-АФМС) "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси" ҳисобланади.

Стандарт мақсади - бу амалга оширилган аудиторлик текшируви натижаларига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлашга оид ягона тартибни ўрнатишдир.

Мазкур стандартнинг талаблари, аудиторлик текширувини ўтказишда ва ҳўжалик юритувчи субъектга аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тақдим этишда барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурийдир.

Аудиторлик ҳисоботи - ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат ҳужжат.

Аудиторлик ҳисоботи қуйидагилардан иборат:

- номи ("Аудиторлик ҳисоботи" ёки "Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи" иккала ном ҳам бир хил кучга эга);
- йўлланилаётган мижоз номи;
- кириш қисми;
- таҳлилий қисм;
- якуний қисм.

Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) томонидан аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифаси имзоланиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботи, буюртмачининг барча керакли бўлган реквизитлари қайд этилган ҳолда, аудиторлик текишируви буюртмачисига юборилади.

11.3.Аудиторлик хулосасининг тузилиши.

Аудитор хулосаси кириш, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлиши керак.

Аудитор хулосаси асосий элементларининг изчиллик навбати:

- ◆ манзил;
- ◆ сарлавҳа;
- ◆ кириш қисми;
- ◆ аудиторлик фирмасининг номи;
- ◆ юридик манзили ва телефонлари;
- ◆ аудиторлик фаолият билан шуқулланиши учун лицензия берган органнинг номи, лицензия қайси тартиб рақами билан ва қачон берилгани, шунингдек лицензиянинг амал қилиш муддати;
- ◆ давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами;
- ◆ ҳисоб-китоб рақами;
- ◆ аудиторлик фирмаси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;
- ◆ текширишда иштирок этган барча аудиторлар фамилияси, исми, отасининг исми;
- ◆ аудиторлик текшириши қанча давом этганлиги ва уни ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади;

Аудиторлик хулосаси аудиторлик текширишини ўтказиш шартларида ва қонун талабларида кўзда тутилган тегишли манзиллар бўлиши лозим. Одатда аудиторлик хулосаси акциядорларга ёки молиявий ҳисоботи текширилган иқтисодий субъектнинг раҳбарига аталган бўлади.

Аудиторлик хулосасида текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига доир кўрсатма бўлиши лозим, бунда текшириш ўтказилган давр ва хулоса чиқарилган вақт кўрсатилади.

Хулосада молиявий ҳисобот учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг жавобгарлиги, ўтказилган аудит якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботга доир хулоса учун аудиторнинг жавобгарлиги тўғрисидаги низом кўрсатилиши шарт.

Аудитор аудиторлик текшириши асосида молиявий ҳисобот хусусида билдирилган фикри ва аудиторлик хулосасини тузиш учун жавобгардир.

11.4.Аудиторлик хулосаларининг турлари.

Агар аудитор молиявий ҳисобот уни тузишнинг амалдаги қоидаларига ва андозаларига мувофиқ ва аниқ манзарани (ёки барча муҳим жиҳатларини ишончли) кўрсатади деган хулосага келса, шубҳасиз ижобий хулоса (писандаларсиз хулоса) тузади. Шубҳасиз ижобий хулосада бухгалтерия ҳисоби қоидалари ёки уни қўлланиш усулларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳамда бундан келиб чиқадиган оқибатлар молиявий ҳисоботда тегишли тарзда аниқлангани ва очиқ берилгани тўғрисидаги ахборот баён қилинади.

Аудиторнинг модификация қилинган хулосаси

Хулосани ёзиш чоғида унча муҳим бўлмаган лекин муайян вазиятда жиддий ўзгаришларга сабаб бўладиган бирор муаммога масалан кредит қобилятининг камайишига эътиборни жалб этадиган параграф ҳақида қўшимча киритилган тақдирда бундай аудитор хулосаси модификацияланган ҳисобланади.

Агар аудитор ижобий фикрни айтиб бўлмайди деган хулосага келса, лекин раҳбарият билан келишмовчилик ёки аудиторлик текшириши қўламининг чекоанганлиги

салбий хулоса чиқариш ёки хулоса чиқаришдан бош тортиш учун унча муҳим ва аҳамиятли бўлмаса, шартли хулоса (чекланган ёки писандли хулоса) чиқарилади.

Шартли хулосани «қуйидагилар бундан мустаснодир» деб ёзиб, писандга тааллуқли ахборотларни келтириб ёзилади.

Агар аудиторлик текшириши кўламининг чеклангани жуда муҳим бўлиб, аудитор етарли ва тегишли аудиторлик далилларни олишга қодир бўлмаса, шунингдек аудитор билан миқдор ўртасида аудиторга миқдорнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида мустақил хулоса чиқаришга имкон бермайдиган муайян қарамликдан иборат ўзаро муносабат мавжуд бўлса, бундай ҳолатлар хулоса тузишдан бош тортишига олиб келади.

Агар аудитор миқдорнинг молиявий фаолияти шу қадар бузиб кўрсатилганки, у қалғишга олиб келади ва уни ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини ҳолисона акс эттиради деб бўлмайди, писандли ахборот тузиш мумкин эмас, деб ҳисобласа, салбий хулоса чиқаради.